

32.97
6Ф7
0-25


кооперация 20
Копирус

А.Ортиқов, А.Маматқулов

кооперация

IBM PC

КОМПЬЮТЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ



А Ортиқов , А Маматқулов

IBM PC

КОМПЬЮТЕРЛАРИДАН ФОИДАЛАНИШ
(Бошловчилар учун қўлланма)

Масъул муҳаррир:

Физика-математика фанлари доктори,
проф. А.Аъзамов.

Асқар Ортиқов, Абдуқодир Маматқулов
IBM PC компьютерларидан фойдаланиш
(Бошловчилар учун қўлланма)

Ушбу китобда IBM PC компьютерларининг асосий қисмлари ҳақида қисқача маълумот берилган, ундан фойдаланиш усуллари кўрсатилган. Компьютерда ишлашни ва ЭҲМда программа тузишни ҳали ўрганмаганлар ҳам қўлланмадан фойдаланиб компьютерда ишлашни урганиб олишлари мумкин.

Китоб кенг китобхонлар оmmasига (илмий ходимлар, аспирантлар, талабалар, мактаб ўқувчилари ва турли касб эгаларига) мўлжалланган.

Сўз боши

Ҳозирги вақтда инсон ҳаётига компьютерлар жадал кириб келмоқда. Компьютерлар, шу жумладан IBM PC компютери иш юритишни осонлаштиришда, яъни ҳужжат ва ҳар хил текстларни тез тайёрлаш ва таҳлил қилишда, ҳаттоки телефон орқали ахборот алмашишда : мураккаб ҳисобларни тез бажаришда, ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришда кенг қўлланила бошлади. Яқин келажакда ҳаётни компьютерсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир кишига тушунарли бўлган кичик ҳажмдаги қўлланмаларга эҳтиёж жуда кучайди.

Муаллифлар ана шуларни ҳисобга олиб қўлингиздаги ушбу қўлланмани тайёрлашди.

Ушбу қўлланма кенг китобхонлар оммасига, жумладан илмий ходимлар, аспирантлар, талабалар, мактаб ўқувчилари ва халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган турли касб эгаларига мўлжалланган.

КИРИШ

Компьютерда умуман ишламаган бўлсангиз бирор жумлани, масалан, исмингизни компьютерга киритиб босмага чиқариб кўринг.

Бунинг учун компьютер ёқилган ҳолида экранда 2-расмдагидек жадвал турган бўлса, клавиатурадан (I-расм) "ALT" тугмачани босиб туриб, иккинчи бармоғингиз билан "F7" тугмачани босинг. Экранда

File(s) to find

суроғи чиқади. Lexicon.exени клавиатурадан киритинг, кейин "Enter" ни босинг, компьютер файлини кидириб топгандан кейин яна "Enter"ни босинг, 2-расмдагига ўхшаш жадвал чиққандан сўнг яна "Enter"ни босинг. 4-расмдаги жадвал чиққач, исмингизни клавиатура ёрдамида киритинг (F9 русча/лотинча алфавитга ўтказади ва аксинча). Сўнгра F10ни босинг, "Enter"ни босинг, "END" босинг, "Enter"ни босинг, "Enter"ни босинг ва босмага чиқарувчи қурилмага қоғоз кўйиб (уни ишга тайёрлаб), "Enter"ни босинг. Ана шуларнинг ҳаммасига 5 минут вақтингиз кетади холос.


Ушбу китобда IBM PC компьютерининг асосий қисмлари ҳақида қисқача маълумот берилган, ундан фойдаланиш усуллари кўрсатилган. Бундан ташқари, нортон командер NC, MS DOC, лексикон, CHIWRIEER ва Турбо-Паскаль программалари ҳақида ҳам қисқача маълумот ҳамда улардан фойдаланишга мисоллар берилган. Китобдан фойдаланиб компьютерда ишлашни ва ЭХМда программа тузишни умуман билмаганлар ҳам компьютерда ишлашни ўрганиб олиши мумкин. Компьютерда ишлашни билганлар учун ушбу китоб умумлашган қўлланмадир.

Компьютер қуйидаги қурилмалардан ташкил топган (I-расм):

- ПРОЦЕССОР - компьютерни бошқариш, ҳисоблаш, информацияни қайта ишлаш ва бошқа амалларни бажаради: юмшоқ дискка (баркашга) информацияни ёзувчи ва ўқувчи қурилма: қаттиқ дискка (винчестерга) ёзувчи ва ўқувчи қурилма:

- КЛАВИАТУРА - белгиларни компьютерга киритиш учун ишлатилади:

- МОНИТОР - текстли, графикли информацияни кўрсатиш учун ишлатилади:
- босмага чиқарувчи қурилма.



I-расм. IBM PC шахсий компьютерининг умумий тузилиши

MS DOS операцион системаси программаси компьютер ёқилганида унинг хотирасига қаттиқ дискдан ёки юмшоқ дискдан ўтказилади. Бу система фойдаланувчига компьютер билан мулоқат қилишга имкон беради, амалий программалар ва компьютер қурилмаларидан қулай фойдаланишни таъминлайди.

MS DOSдан яхши ва қулай фойдаланиш учун ҳозирги вақтда Нортон коммандер РС программаси кенг қулланилмоқда. Бу программа MS DOS билан биргалликда тўлиқ экран тартибида энг кўп ишлатиладиган амалларни бажариш (диск мундарижаларини кўриш, бовсқа мундарижага ўтиш, файлларни кўчириш, суриш, ўчириш ҳамда программаларни ишлатиш)га имкон беради. Юқоридегига асосан MS DOS командалари ҳақида тўлиқ маълумот беришни лозим топмадик.

Компьютердан фойдаланувчи амалда жуда кўп ҳужжатларни,

мақола, ҳисоботларни - текстларни тайёрлаш ва таҳрир қилишга дуч келади. Шу мақсадда теъстларни таҳрир қилиш учун махсус программалар яратилган: булардан лексикон ва CHIWRI TER ҳақида маълумот берамиз.

Компьютерда текст тайёрлаш оддий машинкадагига нисбатан самарали ва қулай.

Компьютерда ҳисоб-китоб ишлари маълум алгоритмик тилда тузилган программа ёрдамида амалга оширилади. Мазкур китобда оддий алгебраик мисолларни энг мукамал ва юқори савиядаги Турбо-Паскаль алгоритмик тилида ишлашни кўрсатамиз.

ФАЙЛЛАР. Информация дискларда файл кўринишида сақланади. Файл - бу дискнинг номланган қисми. Файлда программа текстлари, ҳужжатлар, ишлатиш учун тайёр программалар сақланади. Дискда сақланаётган ҳар бир файл ўз умумий номига эга, у икки қисмдан: биттадан саккизтагача белгидан иборат асосий номидан ва биттадан учтагача белгидан иборат қўшимча номидан ташкил топган.

Мисол:

```
command.com  
paper.chi  
autoexec.bat
```

асосий номи қўшимча номи

файлнинг қўшимча номи бу файл қанақа эканлиги ҳақида маълумот беради.

Мисол:

- .com, .exe - ишлатиш учун тайёр программалар;
- .bat - командалар файллари;
- .txt - текстли файл (лексиконда);
- .chi - текстли файл (chiwriter-чирайтерда);
- .pas - Паскалдаги программа;
- .bak - файлнинг эски кўриниши (кўчирмаси), компьютер автоматик равишда файлга янги тузатиш киритилган олдин эски файлни сақлаб қолади.

Дискда файлларнинг номлари маълум мундарижаларда сақланади. Агар мундарижада файлнинг номи бўлса, демак шу файл ушбу мундарижада деб тушунилади. Ҳар бир дискда бир нечта мундарижа (асосий мундарижа ва унинг ичига жойлашган ички мундарижалар) бўлиши мумкин.

Компьютернинг қаттиқ диски бир нечта қисм (C, D, E, F)га бўлинган бўлиши мумкин, бунда ҳлар билан ишлаш алоҳида дисклар билан ишлагандагига ўхшайди.

Компьютерда ишларни осонлаштириш мақсадида CONFIG.SYS (файлига - система параметрлари ёзилган) ва AUTOEXEC.BAT (файлига - ҳар доим компьютер ёқилганида киритиладиган командалар ёзилган) файллари қаттиқ дискка жойлаштирилиши мумкин.

Биз қуйидаги мисолларни IBM PC компьютерида (қаттиқ диски қисмларга бўлинмаган ва қаттиқ дискка MS DOS . Нортон командер, лексикон, CHIWRIER, Турбо-Паскаль, CONFIG.SYS ва AUTOEXEC.BAT ҳамда PARK.COM файллари ёзилган) кўраимиз.

PARK.COM - бу программа қаттиқ дискни ёзувчи ва ўқувчи қурилмасининг калласини керакли жойга келтириб компьютерни ўчиришга тайёрлайди.

Компьютерда амалга ошириладиган энг керакли ишларни қуйидаги учта мақсадга умушлаштириш мумкин:

1. Файллар устида амаллар. Мисол.Керакли файлларни бир дискдан (мундарижадан) 2-дискка (мундарижага) кўчириш (мисоллар §2да берилган).

2. Бирон бир ҳужжатни компьютерга киритиш ва босмага чиқариш (мисоллар § 4, 6 да берилган).

3. Бирон бир ҳисоблаш ишларини компьютерда бажариш (мисоллар § 8 да берилган).

§ I. Компьютерни ишга тайёрлаш ва ўчириш

Компьютерни ёқиш:

1. Босмага чиқарувчи қурилма уланади (принтер).
2. Компьютер уланади.
3. Монитор уланади.

Бундан кейин (компьютер қаттиқ дискида кўрида қайд этилган

MS DOS, Нортон командер, CONFIG.SYS, AVTOEXEC.BATлар бўлса) экранга Нортон командер жадваллари чиқади (2-расмга қаранг) ва кўрсаткич чап ёки ўнг жадвалда туради. Бу ҳолат компьютернинг ишлашга тайёр эканини кўрсатади.

Компьютерни ўчириш:

1. Ишлаётган программалар тугатилади.

2. PARK.COM файли топилади (бунинг учун [ALT - F7] (шу кўринишда берилган тугмачалар биргаликда босилади, ALTни босиб туриб F7 босилади), PARK.COM клавиатура ёрдамида терилади ва [ENTER] босилади, компьютер шу файл қаерда жойлашган бўлса уни кўрсатади, шундан кейин Enter босилади, бунда компьютер шу файл жойлашган мундарижага ўтади ва кўрсаткич шу файлда туради ва Enter босилади. Бунда қаттиқ дискни каллаги ўзининг бежавотир ўрнига қайтади.

3. Босмага чиқарувчи қурилма ўчирилади.

4. Монитор ўчирилади.

5. Компьютер ўчирилади.

E:\		Info		5 27a
Name	Name	Name		
A			The Norton Commander, Version 30	
AVIRUS			Copyright (C) 1986-9 by	
CHW			Peter Norton	
CHW_B			655,360 Bytes Memory	
F77			579,280 Bytes Free	
LEX			10,244,096 total bytes on	
NC			drive E:	
TABL			3,289,088 bytes free on	
TP			drive E:	
TPT			15 files use 200,704 bytes	
p0 com			in E:\	
p1 com			No 'dirinfo' file in this	
p2 com			directory	
pstool exe				
CHW →SUB-DIR← 9-27-91 2:03a				

E:\>

1Help2Menu3View4Edit 5Copy 6RenMov 7Mkdir 8Delete 9PullDn 10Quit.

2-расм.Нортон командер билан ишлаганда экранда ўнг ва чап жадвалларнинг кўриниши.

§ 2.Компьютерда оддий амалларни бажариш

1-мисол. Имшок диск асосий мундарижасидан керакли файлни қаттиқ диск асосий мундарижасига кўчириш.

Бу қуйидагича бажарилади:

а) Чап жадвалга қаттиқ диск асосий мундарижаси чақирилади. ([ALT - F1] босилади, кўрсаткич стрелкалар ёрдамида "C"га олиб келинади ва [Enter] босилади. Бунда қаттиқ дискнинг асосий ёки ички мундарижаси Нортон командер чап жадвалига чиқади. Кўрсаткич шу жадвалда турган ҳолда (кўрсаткич ўнг жадвалда турган бўлса [Tab] босилади) [ALT - F10] босилади, кейин [Home] бир неча мартаба, токи кўрсаткич асосий мундарижага келгунча босилади, кейин эса [Enter] босилади).

б) Ўнг жадвалга юмшоқ диск асосий мундарижаси чақирилади (юмшоқ диск компьютернинг диск ўқиш қурилмасига қўйилади. [ALT - F2] босилади ва кўрсаткич стрелкалар ёрдамида "A"га олиб келинади, кейин [Enter] босилади. Бунда юмшоқ дискнинг асосий мундарижаси Нортон командернинг ўнг жадвалига чиқади).

в) [Tab] босилиб, кўрсаткич чап жадвалдан ўнгга ўтказилади. Кўрсаткич (↑,↔) ёрдамида керакли файлга олиб келинади, [F5], [Enter] босилади. Бунда компьютер юмшоқ дискидаги файлни қаттиқ дискка кўчиради, буни жадваллардан кўриш мумкин.

2-мисол:

Қаттиқ диск асосий мундарижасида турган файлни шу дискдаги янги ички мундарижа очиб унга суриш.

1-мисолнинг (а) банди чап ва ўнг жадваллар учун бажарилади. Кўрсаткич [Tab] ёрдамида ўнг жадвалга ўтказилади, [F7] босилади, кичик мундарижа номи (8тагача белгидан иборат) клавиатура ёрдамида терилади, [Enter] босилиб, шу мундарижа ичига кирилади. [Tab] босилади, кўрсаткич чап жадвалга ўтказилади, кейин (↑,↔) ёрдамида кўрсаткич керакли файлга олиб келинади ва [F6], [Enter] босилади.

3-мисол:

Дискдан ёки мундарижадан файлни учириш.

Кўрсаткич иқорида келтирилган мисолларга ўхшаш равишда

керакли файлга олиб келинади ва [F8]. [Enter] босилади. Шунда белгиланган файл ўчиб кетади.

4-мисол. Текстли файлни экранга чиқариб кўриш

Кўрсаткич керакли текстли файлга олиб келинади, [F3] босилади, бунда текстли файл экранга чиқади [↑,↓] ёрдамида кўрсаткични суриб текстнинг исталган қисмини экранга чиқариш мумкин. Бу ҳолатда Нортон командерга қайтиш учун [Esc] босилади.

5-мисол. Текстли файлни таҳрир қилиш.

Кўрсаткич керакли файлга олиб келиниб, [F4] босилади ва текстга тузатиш киритилади (клавиатура ёрдамида), кейин [F2] босилади (шундай қилинганда тузатиш компьютер хотирасига ўтиб қолади), яна [Esc] босилади.

6-мисол. Тайёр программани ишлатиш.

Кўрсаткич ишлаш учун тайёр файлга олиб келинади. (Бу файлларнинг кўшимча номи сом ёки exe бўлса) ва [Enter] босилса, шу программа ишлайди. Берилган мисолларга ва ўхшаш бошқа амалларни бажариш учун Нортон командер ҳақидаги қисқача маълумотдан фойдаланишингиз мумкин.

§ 3. Нортон командер ҳақида қисқача маълумот:

Бошқа мундарижага ўтиш учун кўрсаткични [↑,→+] ёрдамида шу мундарижага олиб келинади ва [Enter]ни босилади.

Бошқа жадвалга (панелга) ўтиш учун [Tab] босилади.

Файллар гуруҳини танлаш:

Файлни гуруҳга қўшиш ва чиқариш - [Ins], жадвалдаги ҳамма файлларни гуруҳга қўшиш [+],[Enter], чиқариш [-],[Enter] орқали бажарилади.

Танланган файллар гуруҳини:

[F5] ҳамда [Enter] - кўчириш:

[F6] ҳамда [Enter] - номини ўзгартириш ёки бошқа мундарижага кўчириш:

[F8] ҳамда [Enter] - ўчириш.

Нортон коммандер жадвалларини бошқариш:

- [Ctrl - O] - панелни экрандан олиш ва қўйиш,
- [Ctrl - P] - битта кераксиз жадвални экрандан олиш ва қўйиш,
- [Ctrl - U] - жадвалларнинг ўрнини алмаштириш,
- [Ctrl - F1] - чап жадвални экрандан олиш ва қўйиш,
- [Ctrl - F2] - ўнг жадвални экрандан олиш ва қўйиш,
- [Alt - F1] - чап жадвалга керакли диск мундарижасини чақириш,
- [Alt - F2] - ўнг жадвалга керакли диск мундарижасини чақириш.

Функционал тугмачаларнинг вазифалари:

- [F1] - тугмачалар вазифаси хақида қисқача маълумот (ёрдам) олиш:
- [F2] - фойдаланувчи командаларнинг менюсини чақириш:
- [F3] - файлни кўриш:
- [F4] - файлни таҳрир қилиш (тузатиш) киритиш:
- [F5] - файлдан ёки файллар гуруҳидан нусха кўчириш:
- [F6] - файлнинг ёки файллар гуруҳининг номини ўзгартириш ёки бошқа мундарижага кўчириш:
- [F7] - янги ички мундарижа очиш:
- [F8] - файлни , файлларни ва мундарижани ўчириш:
- [F9] - Нортон коммандер менюси (инглиз тилида):
- [F10] - Нортон коммандердан чиқиш:
- [Alt - F7] - дискдан файлни қидириш:
- [Alt - F8] - олдин киритилган (бажарилган) командаларни кўриш ва улардан кераклисини бажариш:
- [Alt - F9] - экранда 25талик қатордан 43талик қаторга ўтиш ва аксинча:
- [Alt - F10] - бошқа мундарижага тез ўтиш (дискнинг мундарижа тузилиши дарахт кўринишида экранга чиқади,

3-расмга қаранг).

§ 4. Лексиконда ҳужжат тайёрлаш ва уни босмага чиқариш


I-мисол. Қуйидаги тексти компьютерга киритамиз:

"компьютерда ишлаш яхши"

Бунинг учун:

а) Лексикон чақирилади. Бунинг учун курсаткич лексикон мундарижасига олиб келинади ва [Enter] босилади. Курсаткич [Lex.exe] файлига олиб келиниб, яна [Enter] босилади. Бунда лексикон жадвали экранга чиқади (4-расмга қаранг). Меню экраннинг юқори қисмига жойлашган.

б) рус алфавитига ўтилади ([F9] босилиб, рус ёки лотин алфавитига ўтиш мумкин). Ҳужжат тексти (яъни юқоридаги "компьютерда ишлаш яхши" сўзлари) клавиатура ёрдамида терилади.



E:\>
1Help 2Rescan 3 4 5 6Renme 7Mkdir 8Delete 9 10Quit

3-расм. Нортон командер жадвалига дискнинг мундарижа тузилиши дархт кўринишида чиқарилган.

Для входа в меню нажмите F10

Текст Абзац Фрагмент Страницы Найти Зам. Отменить Перейти Шрифт Дос Выход
ТЕКСТ 0 (11 11,47 0) РУС 5 июн 5:30

КОМПЬЮТЕРДА ИШЛАШ ЯХШИ

4-расм. Лексикон жадвалининг кўриниши.

в) [F10], Enter босилади, бунда курсаткич менюга чиқади. Менюнинг "текст" бандига курсаткич [Home] босилиб олиб келинади, [Enter] босилади. Бунда курсаткич менюнинг "сохранить" ("сақлансин") бандида туради ва яна [Enter] босилади. Шундан кейин компьютер ҳужжатни қанақа номдаги файл билан ёзиб қўйишни сўрайди. Савол менюнинг иқорисиде чиқади, янги файл номи клавиатура ёрдамида киритилади (мисол учун max.txt) ва [Enter] босилади.

г) [F10] босилади, [+ -] ёрдамида курсаткич менюнинг "печать" ("босма") бандига олиб келинади ва [Enter] босилади, шунда курсаткич "начать" ("бошлансин") бандида туради, [Enter] босилади. Кейин босмага чиқарувчи қурилмага (принтерга) қоғоз қўйилиб [Enter] босилади.

д) лексикондан чиқиш: [F10] босилади, кейин [End], [Enter] босилади.

2-мисол. Лексиконда I-мисолда тайёрланган ҳужжатни таҳрир қилиш.

а) Курсаткич [Lex.exe]га олиб келинади, [Ctrl-Enter]

босилади ва курсаткич I-мисолда тайёрланган файл номига (max.txt) олиб келиниб яна [Ctrl-Enter] босилади, шундан кейин яна [Enter] босилса, лексиконда текст экранга чиқади .

б) Кейин текстга тузатишлар киритилади. Таҳрир қилинган текстни сақлаб қолиш учун (F10) [End], [Enter], [Enter] босилади. Агар таҳрир қилинган текстни босмага чиқариш керак бўлса, I-мисолнинг г банди бажарилади.

Лексиконда мураккаб амалларни бажаришга доир мисоллар:

3-мисол. Қаторли қисмни (булакни) бир дарчадан иккинчисига кўчириш.

а) Бунинг учун 2-мисолнинг а)банди бажарилади .

б) текст ичидаги ҳоҳлаган қаторга (2-ёки 3- текст ёзилган қаторга) курсаткич олиб келинади ва F3 босилади. Бунда қатор белгиланади. F3 бир неча марта босилса , бир неча қатор белгиланади.

в) Кейин [Ctrl-F3] босилса, белгиланган қатор(лар) чўнтакка олинади. [Alt-2] босилса , 2- дарчага ўтилади. [Ctrl-F4] босилганда булак (қисм) чўнтакдан 2- дарчага олиб келинади ва F4 босилганда у қўйилади.

4-мисол. Ажратилган қисм (булак) шрифтини ўзгартириш.

3-мисолнинг а) ва б) бандлари бажарилади. Сунгра [Alt-F1] кейин [1] (0,1,2,3 шрифт номерларидан бири) босилади. Бунда ажратилган қатор(лар) шрифти ўзгаради , F4 босилади,буни уларнинг ранги ўзгарганидан билиш мумкин. Сунгра тайёрланган текстни босмага чиқараверинг.

Берилган мисолларга ўхшаш амалларни бажаришда лексикон ҳақидаги қисқача маълумотлардан ва меню тузилишидан (5-расмга қаранг) фойдаланишингиз мумкин.

§ 5. Лексикон ҳақида қисқача маълумот

[F1] - Ёрдам:

Меню: (монитор дарчасининг устки қисмига жойлашган)

- [F10] - менюга кириш,
- [←], [→], [Home], [End] - менюда юриш,
- [Enter] - менюдаги керакли бандни танлаш,
- [Esc] - менюдан чиқиш.

Текстда юриш:

- [←] - чапга:
- [→] - ўнгга:
- [↑] - юқорига:
- [↓] - пастга:
- [Home] - қатордаги биринчи белгига бориш:
- [End] - қатордаги белгининг охирига бориш:
- [PgUp] - бир бет юқорига:
- [PgDn] - бир бет пастга:
- [Shift-↑] - текстнинг бошига бориш:
- [Shift-↓] - текстнинг охирига бориш:
- [Shift-←] - қаторнинг бошига бориш:
- [Shift-→] - қаторнинг охирига бориш:
- [Ctrl-←] - бир сўз чапга:
- [Ctrl-→] - бир сўз ўнгга:

Учириш

- [Del] - курсаткич турган белгини ўчириш:
- [Backspace] Ёки [←] - курсаткичдан олдинги турган белгини ўчириш:
- [F3], [Ctrl-F3] - курсаткич турган қаторни ўчириш:
- [Ctrl-F3] - текстдаги ажратилган қисмини ўчириш.

Ишлаш тартиби:


- [Ins] - белги киритишда орасига ўрнига қўйиш:
- [F9] - русча/лотинча шрифт:
- [Shift-F9] - экранни текстли/графикли тартиби:
- [Shift-F10] - "текст"/"документ" (хужжат) тартиби:

"Абзац", "Перенос" - янги қаторга сўзларни кўчириш тартиби:
"Абзац", "Выключка" - сўз бошининг унғ томонини текислаш тартиби.

Текстнинг акратилган қисми устида амаллар:

Қаторли қисм:	Булакли қисм:	
[F3]	[Shift-F3]	- акратишни бошлаш:
[↑], [↓]	[→], [←], [↑], [↓]	- керакли қисмни акратиш:
[F4]	[F4]	- акратишни бекор қилиш:
[Ctrl-F3]	[Ctrl-F3]	- акратилган қисмни чўнтакка олиш
[Ctrl-F4]	[Shift-F4]	- акратилган қисмни чўнтакдан чиқариш:
[Ctrl-F8]	-	- сўз боши қилиб тартибга солиш:
[Ctrl-F5]	-	- чапга сурин:
[Ctrl-F6]	-	- унғга сурин.

Лексикон менюси тузилишининг дарахт кўриниши



- СТРАНИЦЫ (бетлар устида амаллар)
 - ↳ Вставить, Шаг: 1, 5, Высота: 60, НачНомер: 1, Колонтитул, УбратьСтраницы, Каталог
- НАЙТИ, (қидириш)
- ЗАМЕНИТЬ (алмаштириш)
- ОТМЕТИТЬ (белгилаш)
- ПЕРЕЙТИ (ўтиш)
- ШРИФТ (шрифтлар устида амаллар)
 - ↳ Курсив, Выделенный, Подчеркивание
- ДОС (dos га чиқиш)
- ВЫХОД (чиқиш, лексикондан чиқиш)

5-расм. Лексикон менюси тузилишининг дарахт кўриниши

§ 6. CHIWRITERда хужжат тайёрлаш ва босмага чиқариш

I-мисол.

а) CHIWRITERни чақариш. Бунинг учун курсаткич CHI мундарижасига олиб келиниб, [Enter] босилади, кейин курсаткич sw.exe файлига олиб келинади, [Enter] босилади, янги хужжат тайёрлаш учун "s" (бор хужжатни тахрир қилиш учун "r") босилади.

Янги киритиладиган файл (хужжат)нинг номи клавиатура ёрдамида терилиб, [Enter] босилади. Шунда монитorda CHIWRITER жадвали чиқади (6-расмга қаранг).

б) Хужжат тексти клавиатура ёрдамида терилади, керакли шрифт танланади. Масалан, ўзбекча шрифтни чақариш учун, агар у F20га қўйилган бўлса [Shift-F10] ни икки марта босиш керак. (Керакли алфавит шрифтини танлашда CHIWRITER ҳақидаги маълумотга қаранг).

в) [Alt-W] ва "d" босилади, бунда текст қаттиқ дискка ёзилиб қолинади.

г) Босмага чиқариш. [Alt-P] босилади, "o", "s", "y" лар кетма-кет босилади, "g" босилади ва босмага чиқарувчи қурилмага қоғоз қўйилади ва [Enter] босилади.

д) CHIWRITERдан чиқишда [Alt-Q] босилади.

26/1/86


КОМПЬЮТЕРДА ИШЛАШ яхши.

CHIWRITER да математик формулалар ёзишингиз,

$$F = \frac{\alpha + \beta}{\sigma \sum x_i} ;$$
 фигуралар чизишингиз.



ва ҳар хил



белгилардан фойдаланишингиз мумкин.

Chiwriter 20 хил актив шрифтни ушлаб тура олади.

Mark Layout Screen Delete Read Write Print Environment Quit Help

6-расм. CHIWRITER жадвалининг кўриниши

2-мисол. CHIWRITER I-мисолда киритилган ҳужжатни таҳрир қилиш.

I-мисолнинг а) банди бажарилади (бу ҳолатда "R" босилади). Кўрсаткич I- мисолда тайёрланган ҳужжат номига олиб келинади ва [Enter] босилади. Текстга тузатиш киритилиб, [Alt-W], D. (агар "R" босилса босмага чиқади) [Alt-Q] - босилади.

Берилган мисолларга ўхшаш амалларни бажаришда CHIWRITER ҳақидаги маълумотдан фойдаланинг. Меню тузилишининг дарахт кўринишидан фойдаланиш ишларни осонлаштиради (7-расмга қаранг).

§ 7. CHIWRITER ҳақида қисқача маълумот

- [Alt-H] - ёрдам.
- [Alt-W] D - таҳрир қилинаётган текстни сақлаб қолиш (дискка ёзиб қўйиш);
- [Alt-W] D [Alt-W] - таҳрир қилинаётган текстни сақлаш ва chiwriter-чирайтердан чиқиш.

Меню: (монитор дарчасининг остонасига жойлашган)

- [Esc] - менюга кириш:
- [←], [→] - менюда юриш (керакли бандга ўтиш):
- [Enter] - менюни керакли бандни танлаш:
- [Esc] - менюдан чиқиш.

Текстда юриш:

- [←] - чапга:
- [→] - ўнгга:
- [↑] - юқорига:
- [↓] - пастга:
- [Home] - қатордаги биринчи белгига бориш:
- [End] - қатордаги белгининг охирига бориш:
- [PgUp] - бир бет юқорига:
- [PgDn] - бир бет пастга:
- [Ctrl+Home] - текстнинг бошига бориш:
- [Ctrl+End] - текстнинг охирига бориш:
- [Ctrl+←] - бир сўз чапга:
- [Ctrl+→] - бир сўз ўнгга:
- [Ctrl+PgUp] - бир сатҳ юқорига:
- [Ctrl+PgDn] - бир сатҳ пастга:
- [Ctrl+G] - номери кўрсатилган бетга ўтиш (бунда компьютер бетнинг номерини киритишни сўрайди). Керакли бет рақамини босишингиз керак.

Асинхрон режимда текстда юқорига ва пастга юриш.
(Асинхрон режимга ўтиш [*] тугмачаси орқали бажарилади)

- [↑]-бир сатҳ юқорига:
- [↓]-бир сатҳ пастга:
- [PgUp]-бир қатор юқорига:
- [PgDn]-бир қатор пастга.

Учириш:

- [Del] - кўрсаткич турган белгини ўчириш:
- [Backspace] - кўрсаткич олдидаги белгини ўчириш:

- [Ctrl-Backspace] - кўрсаткич турган қаторни ўчириш;
- [Alt-C] - текстнинг ажратилган қисмини ўчириш
(чўнтакка олиш):

Асинхрон тартибда қаторга сатҳ қўшиш ва олиб ташлаш:

- [Ctrl-A] - кўрсаткич турган қаторга сатҳ қўшиш
- [Ctrl-Z] - кўрсаткич турган қатор сатҳини олиб ташлаш
(ўчириш).

Иш тартиби:

- [Ins] - киритилмаётган белгини белгилар орасига ёки ўрнига
қўйиш;
- [*] - синхрон ёки асинхрон тартиб;
- [Ctrl-J] - сўз бошининг ўнг томонини текислаш тартиби.

Текстнинг ажратилган қисми устида амаллар:

- [Alt-M]-ажратишни бошлаш;
- [↔↓]-керакли қисмини ажратиш;
- [Alt-E]-ажратишни бекор қилиш;
- [Alt-C]-ажратилган қисмини чўнтакка олиш;
- [Alt-D]-ажратилган қисмдан чўнтакка кучирма олиш;
- [Ctrl-P] - ажратилган қисимни чўнтакдан чиқариш (текстга
қўйиш, асинхрон/синхрон ва орасига ўрнига
тартибларида фарқ қилади);
- [Alt-R]F-ажратилган қисмини сўз боши қилиб тартибга солиш.

Тартибга солиш (Форматлаш):

- [Ctrl-C]-кўрсаткич турган қаторни марказлаштириш;
- [Ctrl-M] - кўрсаткич турган қаторда текстни ўнг чегарага
суриш;
- [Ctrl-F] - кўрсаткич турган қатордан сўз боши охиригача
текстни тартибга солиш.

Сўз боши (абзац) чегараларини ростлаш:

- [Ctrl-[]]- сўз бошининг чап чегарасини ўрнатиш:

[Ctrl-]) - сўз бошининг ўнг чегарасини ўрнатил.

Бетларга бўлиш:

[Ctrl-B] - бет чегарасини қўйиш ва олиш:

[Ctrl-I] - автоматик равишда бет чегараси қўйишни бекор қилиш:

[Alt-L]PP - бет баландлигини қўйиш:

[Alt-L]PF - бет номерлари босма қиладиган шрифтни қўйиш (шрифтлар номерлариги мос ,керакли функционал тугмача босилади).

Босмага (печать)га чиқариш:

[Alt-P]G - босмага чиқаришни бошлаш:

[Alt-P]OF - босмага чиқариладиган бетлар чегарасини қўйиш:

[Alt-P]OSY - алоҳида варақларни босмага чиқариш тартиби:

[Alt-P]OSN - тўхтовсиз (бетларда) босмага чиқариш тартиби:

[Alt-P]OM - алоҳида варақларни босмага чиқаришда бетнинг чап чегарасини қўйиш.

Шрифтлар:

[Ctrl-E]F1 - шрифтлар ҳақида маълумот олиш:


[функционал тугмача] Белги - функционал тугмачага мос келадиган шрифтдан битта белги киритиш:

икки марта [функционал тугмача] - функционал тугмачага мос келадиган шрифтга ўтиш:

[функционал тугмача] [Alt-H] - шрифт белгиларининг клавиатурада жойлашганлиги ҳақида маълумот олиш:

Бу ерда [функционал тугмача] - [F1], [F10] 1дан 10 гача бўлган шрифтларни белгилайди, ва [Shift-F1] - [Shift-F10] 11дан 20гача бўлган шрифтларни белгилайди.

SHIWRITER менюси тузилишининг дарахт кўриниши



- ↳ Default Even Odd Page 1 2 ... 9
(бажармаслик) (жуфт) (тоқ) (бет 1 2 ...9)
- ↳ Footer (остки қисм)
 - ↳ Default Even Odd Page 1 2 ... 9
(бажармаслик) (жуфт) (тоқ) (бет 1 2 ...9)
- ↳ Separator (булиш)
- Read (ўқиш, дискдан файлни ўқиш)
 - ↳ New Document → Yes No
(янги ҳужжат) (ха) (йук)
 - ↳ Merge Document (текстнинг давомига)
 - ↳ Import ASCII
- Write (чиқариш, дискка ёзиб қўйиш)
 - ↳ Document (ҳужжатни, тексни)
 - ↳ Export ASCII (ASCII коди билан чиқариш)
 - ↳ Change Name (номини ўзгартириш)
 - ↳ Backup frequency (такрорлашни ушлаб туриш)
- Print (босмага чиқариш)
 - ↳ Go (бошлаш)
 - ↳ Pitch (қўйиш)
 - ↳ pIca Elite Proportional
(ўз ҳолича) (кичик) (пропорция бўйича)
 - ↳ Quality (босма сифати:)
 - ↳ Draft Letter quality Enhanced
(паст) (уртача) (юқори)
 - ↳ Options (танлаш)
 - ↳ From page To page Stop between pages
(бетдан) (бетгача) (бетлар орасида тўхташ)
 - Margin offset Number of copies
(чекгаралар жойини суриш) (нусхалар олиш сони)
 - ↳ Numbering (номерлаш)
 - ↳ first Page# first footNote#
 - ↳ From file → Yes No
(кейинги файл) (ха) (йук)
 - ↳ To file (файлга)
 - ↳ Change printer (босмани ўзгартириш, принтерга мос драйвер олиш)
- Environment (муҳитни танлаш)
 - ↳ Disk
 - ↳ Display dir Change dir Erase file
 - ↳ Modes
 - ↳ Insert mode Synch mode Just mode
Menu line
 - ↳ Fonts (белгилар тўплами, шрифтлар)
 - ↳ List Read Delete
(рўйхати) (ўқиш) (ўчириш)
 - ↳ Key sequences (калитли кетма-кетлик)
 - ↳ List Read Write Key sequence replay
(рўйхати) (ўқиш) (ўчириш)
 - Define key sequence
 - ↳ Configuration (конфигурация)
 - ↳ List Read Write
(рўйхат) (ўқиш) (чиқариш, дискка ёзиш)
- quit → Yes No

↳ (Chiwriterдан чиқиш) (ха) (йўқ)
Help (ёрдам)

7-расм. CHIWRIter менюси тузилишининг дарахт кўриниши

§ 8. Турбо-Паскаль алгоритмик тилида оддий
ҳисоб-китобларни бажариш

I-мисол. $y = a + b$ кўринишдаги тенгламани ечиш.

а) Бунинг учун кўрсаткич TP (Турбо-Паскаль) мундарижасига олиб келиниб, [Enter] босилади, кейин кўрсаткич turbo.exe файлига олиб келиниб, [Enter] босилади. Экранда Турбо-Паскаль жадвали чиқади (8-расмга қаранг). Жадвалнинг юқори қисмида меню туради. Дарча ичида аввал ишлатилаётган программа тексти туради.

б) Дарчани тозалаш учун [Alt-F] босилади. Очилган менюдан кўрсаткич [New]га олиб келиниб, [Enter] босилади. в) Сўнгра куйидаги программа тексти киритилади. Программанинг ўнг томонида фигурали "(" қавс ичида изоҳ берилган (изоҳ киритилмаслиги ҳам мумкин).

program m1;	(program -хизмат қилувчи сўз, m1 - программа номи)
var	(хизмат қилувчи сўз, ўзгарувчиларни эълон қилувчи бўлимини билдиради)
y, a, b: real;	(y, a, b - ўзгарувчилар номи, real - стандарт ном бўлиб, ўзгарувчининг рационал сон эканлигини билдиради)
begin	(хизмат қилувчи сўз, операторлар бўлими бошланганлигини билдиради)
readln(a, b);	(киритиш оператори a, b -қиймати киритилади)
y := a + b;	(ифода, a b қўшилиб, y га := - ўзлаш тириш оператори ёрдамида ўтказилапти)
write(y:5:2);	(чиқариш оператори, y қиймати чиқади, 5:2 форматда)
end.	(хизмат қилувчи сўз, операторлар бўлими тамом бўлганини билдиради, агар нуқта қўйилса программа тутаганини билдиради)

г) Киритилган программани қаттиқ дискка ёзиш учун [Alt-F] босилади, кўрсаткич менюдан write to га олиб келиниб, Enter

босилади, шунда компьютер программа (файл) номини сўрайди. Янги файл номи киритилади (масалан, m1.PAS.) ва Enter босилади.

```
File      Edit      Run      Compile  Options  Debug    Break/Watch
-----
Line 5    Col 1    Insert   Indent   Unindent E:M1.PAS
program m1;
var
y,a,b:real;
begin (башланиш)
readln(a,b);
y:=a+b;
writein(y:5:2);
end.
```

----- Watch -----

F1-Help F5-Zoom F6-Switch F7-Trace F8-Step F9-Make F10-Menu

8-расм. Турбо-Паскаль жадвалининг кўриниши

д) Программа буйича ҳисоблаш учун [Ctrl-F9] босилади. (Бунда программа нотўғри киритилган бўлса, кўрсаткич шу хатодан кейин туради ва жадвалнинг иқори қисмида қандай хатога йўл қўйилганлиги ҳақида маълумот чиқади. Хато тузатилади ва яна [Ctrl-F9] босилади. Бунда программа хатосиз киритилган бўлса, экранда Турбо-Паскаль жадвали ичида программа трансляция ва компоновка қилинаётганлиги ҳақида маълумот чиқади, сўнгра экранда Турбо-Паскаль жадвали учиб, кўрсаткич экраннинг қастки қисмида туради. Шундан кейин а ва б қийматлари киритилади, масалан, [2] босилади, пробел босилади, [3] босилади (бу ерда 2 а ўзгарувчига, 3 эса б ўзгарувчига киритилади. а ва б нинг қиймати ҳоҳлаган сонлар бўлиши мумкин). Кейин Турбо-Паскаль жадвали экранга чиқади. Бу программанинг ҳисобланиб тугатганини кўрсатади. Ҳавобини кўриш учун [Alt-F5] босилади. Шунда экрандан жадвал ўчади. Экраннинг

пастки қисмида

2 3
5.00

турган бўлади. Бу а ва ь нинг киритилган қийматлари ҳамда у нинг ҳисобланган қийматиدير. [Alt-F5] босилса яна жадвал экранга чиқади.

е) Турбо-Паскалдан чиқиш учун [Alt-X] босилади.

2-мисол. Шартли операторни ишлатиш.

у нинг қиймати шартга мос келадиган тенглама ёрдамида ҳисоблансин:

$$y = \begin{cases} (1/2)\sqrt{x}, & \text{агар } x \geq 1, \\ (1/3)\sqrt[3]{x}, & \text{агар } 0 < x < 1, \\ (1/4)\sqrt[4]{x}, & \text{агар } x \leq 0. \end{cases}$$

I-мисолга ўхшатиб ишланади программа тексти ва жавоби қуйида берилган:

```

program m2;
var
y, x: real;
begin
readln(x);
if x >= 1 then y := SQRT(x) / 2
else if x > 0 then y := EXP(1/3 * LN(x)) / 3
else y := EXP(1/4 * LN(ABS(x))) / 4;
writeln(y:5:2);
end.

```

(шартли операторларни ишлатиш
бўйича қуйида § 9 берилган
қисқача маълумотдан фойдаланинг)

жавоби x=-0.5да y=0.21: x=0.5да y=0.26: x=1да y=0.5

3-мисол. Давр (цикл) операторини ишлатиш.

Берилган соннинг факториали ҳисоблансин:

y = x !

Бу мисол ҳам I- ва 2- мисолга ўхшаш ишланади, программа тексти қуйида берилган:

```

program m3;
var

```

```

v,x,i:integer;
begin (Бошланиш)
readln(x);
y:=1;
for i:=1 to x do y:=y*i;      (давр(цикл) оператори буйича
                               маълумотни § 9 дан олинг)
writeln(y:5);
end.

```

Юқоридаги мисолларни бажаришда Турбо-Паскаль алгоритмик тили ҳақида берилган қисқача маълумотдан §9 ёки Турбо-Паскаль менюсининг тузилишидан (9-расм) фойдаланинг.

§ 9. Турбо-Паскаль алгоритмик тили ҳақида қисқача маълумот

Программа ёзишда Турбо-Паскаль алфавитига кирган белгилардан фойдаланиш керак. Булар лотинча ва русча алфавит ҳарфларидан :

A B C D E F G H I J K L M N

O P Q R S T U V W X Y Z

A B B Г Д Е Ж З И И К Л М N

О П Р С Т У Ф Х Ц Ч Ш Щ Ъ Э Ю

араб сонларидан:

0 1 2 3 4 5 6 7 8 9

амал белгиларидан:

+ - * / = < >

ажратувчи белгилардан :

. . : () [] □ дан иборат.

Алфавитга кирган белгилардан сўзлар, сўз бирикмалари , гаплар тузилади.

Сўз – маълум қоидада тузилган белгилардан иборат:

Сўз бирикмалари – маълум маънони англатадиган сўзлар ва белгилардан иборат:

Ифода – маълум қийматни ҳисобловчи сўз бирикмаси:

Жумла – маълум тугал фикрни билдирувчи сўз бирикмалари, ифодалар , сўзлар , белгилардан иборат.

Маълум ҳисоблаш кетма-кетлигини ёзувчи жумлага оператор

дейилади.

Қийматларни ва улар тартибини ёзувчи жумлага "описание" (олдидан ёзувчи) дейилади, (масалан : ўзгарувчилар турини олдидан ёзиш).

Олдидан ёзувчилар ва операторлар бир алгоритмга йиғилиб, программани ташкил қилади.

Хизмат қилувчи сўзлар вазифаси олдидан белгиланган ва улар бошқа мақсадда ишлатилмайди. Хизмат қилувчи сўзларнинг бир қисми операторларни (1-жадвалга қаранг), бошқаси стандарт номларни (2-жадвал) ва яна бир қисми арифметик функцияларни (3-жадвал) белгилайди.

I-жадвал

AND	FUNCTION	PROGRAM
ARRAY	GOTO	RECORD
BEGIN	IF	REPEAT
CASE	IN	SET
CONST	LABEL	THEN
DIV	MOD	TO
DO	NIL	TYPE
DOWNTO	NOT	UNTIL
ELSE	OF	VAR
END	OR	WHILE
FILE	PACED	WITH
FOR	PROCEDURE	

Сонлар ўнли санок системасида (мисол учун $15, -15, 0.5 \dots$) ва жуда кичик ёки катта сонлар эса даражали кўринишда ёзилади (мисол: $2 \cdot 10^{-2}$ сони $2E-02$ кўринишда ёзилади).

Номлар ҳар хил ўзгарувчи функцияларни белгилаш учун ишлатилади. Улар программа тузувчи томонидан танлаб олинади (қуйидаги қоидага асосан) ва шуниси билан хизмат қилувчи сўзлардан фарқ қилади. Номлар ҳарфлар ва сонлардан иборат бўлиб, албатта I-белги ҳарф бўлиши керак (амалларни ажратувчи белгилар ишлатилиши мумкин эмас).

Қийматларнинг оддий (стандарт) турлари:

- | | |
|------------|---------------------|
| 1. REAL | рационал: |
| 2. INTEGER | бутун: |
| 3. BOOLEAN | логик: |
| 4. CHAR | белгили (символли). |

2-жадвал.

Константалар	Турлар	Процедуралар	Функциялар	Файллар
FALSE TRUE MAXINT	BOOLEAN CHAR INTEGER REAL TEXT	GET NEWPACK PAGE PUT READ READLN RESET REWRITE UNPACK WRITE WRITELN	ABS ARCTAN CHR COS EOF EOLN EXP LN ODD ORD RRED ROUND SIN SQR SQRT SUCC TRUNC	INPUT OUTPUT

3-жадвал.

ABS(X)	X нинг модулини ҳисоблаш, $ X $
SQR(X)	X ни иккинчи даражага (квадратга) кўтариш, X^2
SIN(X) COS(X) ARCTAN(X)	X нинг тригонометрик ва тескари тригонометрик функцияларини ҳисоблаш
EXP(X)	Xнинг экспонентасини ҳисоблаш, e^X
LN(X) SQRT(X)	Xнинг натурал логарифминини ҳисоблаш, $\ln X$ X^2 дан квадрат илдиз чиқариш, \sqrt{X}

Қийматларнинг мураккаб турлари ўз ичига бир неча элементларни олади. Элементлар иқоридаги бир неча оддий турлардан иборат бўлиши мумкин. Масалан: матрица.

О П Е Р А Т О Р Л А Р

I. Узлаштириш оператори куйидаги кўринишга эга:

<ўзгарувчи номи> := <ифода>

<:=> - узлаштириш амали белгиси, бу белгига асосан ифоданинг унг

томонидаги қиймат чап томондаги ўзгарувчи ёки функцияга ўзлаштирилади. Мисол:

X:=X+2 оператор бажарилганида X нинг қиймати 2 га ортади.

2.Шартли оператор:

IF <манتيкий ифода> THEN <1-оператор> ELSE <2-оператор>

(Бу ёзувни сўзма-сўз таржимаси куйидагича ўқилади (IF) агар <манتيкий ифода> (THEN) қаноатлантирилса <1-оператор> бажарилади, (ELSE) қаноатлантирилмаса <2-оператор> бажарилади)

Бу ерда IF, THEN, ELSE хизмат қилувчи сўзлардир.

1- ёки 2-операторлар ўрнида бир нечта оператор бўлиши мумкин, у ҳолда операторлар BEGIN ва END орасига олинади. Бу ерда BEGIN ва END қавс операторлари бўлиб хизмат қилади.

3. Вариант оператори (кўп тармоқли оператор):

```
CASE <селектор> OF
<1-нишон рўйхати>:<1-оператор>;
<2-нишон рўйхати>:<2-оператор>;
.....
<n-нишон рўйхати>:<n-оператор>;
END
```

Мисол:

```
CASE NOMER OF
2: Y:=X*X;
4: Y:=X*2;
6: Y:=X*4;
8: Y:=X*6;
10: Y:=X*a;
END;
```

селектор NOMER қийматига қараб у берилган функциялардан мос келадигани билан ҳисобланади.

4. Шартсиз ўтиш оператори:

GOTO <нишон>

5. Давр (цикл) операторлари:

а) Параметрли давр оператори:

FOR <ДАВР ПАРАМЕТРИ> := <1-ИФОДА>

$\left. \begin{array}{l} \text{TO} \\ \text{DOWNTO} \end{array} \right\} <2-ИФОДА> \text{ DO } <ОПЕРАТОР>;$

б) Шарти олдиндан берилган давр оператори:

WHILE <ШАРТ> DO <ОПЕРАТОР>;

в) Шарти кейин берилган давр оператори:

REPEAT <1-ОПЕРАТОР>
<2-ОПЕРАТОР>
<3-ОПЕРАТОР>
.....
<n-ОПЕРАТОР>
UNTIL <ШАРТ>;

6. Кириш оператори:

READ(<1-ўзгарувчи>, <2-ўзгарувчи>, ... <n-ўзгарувчи>):

ўзгарувчилар қиймати киритилади, курсаткич ўз жойида қолади.

READLN(<1-ўзгарувчи>, <2-ўзгарувчи>, ... <n-ўзгарувчи>):

ўзгарувчилар қиймати киритилади, курсаткич янги қаторга ўтади.

7. Чиқариш оператори:


WRITE(<1-ўзгарувчи>, <2-ўзгарувчи>, ... <n-ўзгарувчи>):

ўзгарувчилар қиймати чиқарилади, курсаткич ўз жойида қолади.

WRITELN(<1-ўзгарувчи>.<2-ўзгарувчи>....<n-ўзгарувчи>):

ўзгарувчилар қиймати чиқарилади, кўрсаткич янги қаторга ўтади.

Турбо-Паскаль менюсининг дарахт кўриниши



- Call stack (теришни чақириш) Ctrl-F5
- Find procedure
- Integrated debugging On
- Standalone debugging Off
- Display swapping Smart (дисплейни ўзгартириш)
- Refresh display (дисплейни тозалаш)

9-расм. Турбо-Паскаль менюсининг дарахт кўриниши.

Программа тузишда қуйидаги умумий тизимга риоя қилиш керак.

Программанинг умумий тизими:

PROGRAM<НОМИ>(<ФАЙЛ-НОМИ>... <ФАЙЛ-НОМИ>);	Программа номи	}	ол-дин-дан	БЛОК
LABEL	нишон			
<НИШОН>... <НИШОН>;	булими	}	дан	БЛОК
CONST	булими			
<КОНСТАНТА-НОМИ> <КОНСТАНТА>;	константа			
.....	булими	}	дан	БЛОК
<КОНСТАНТА-НОМИ> = <КОНСТАНТА>;	булими			
TYPE	тур			
<ТУР-НОМИ> = <ТУР>;	булими	}	дан	БЛОК
.....	булими			
<ТУР-НОМИ> = <ТУР>;	булими			
VAR	ўзгарувчилар	}	дан	БЛОК
<ЎЗГАРУВЧИ-НОМИ>... <ЎЗГАРУВЧИ-НОМИ> : <ТУРИ>;	булими			
.....	булими			
<ЎЗГАРУВЧИ-НОМИ>... <ЎЗГАРУВЧИ-НОМИ> : <ТУРИ>;	булими	}	дан	БЛОК
PROCEDURE <ПРОЦЕДУРА-НОМИ>;	процедура			
<БЛОК>;	булими			
FUNCTION <ФУНКЦИЯ-НОМИ>;	функция	}	дан	БЛОК
<БЛОК>	булими			
BEGIN	операторлар	}	дан	БЛОК
<ОПЕРАТОР>;	булими			
.....	булими			
<ОПЕРАТОР>;	булими	}	дан	БЛОК
END.	булими			

Эслатма ва қўшимча маълумотлар:

5,7,9 - расмларда менюларнинг энг кўп ишлатиладиган бандларининг таржимаси қавсда берилган (менюлар қисқартирилган).

Юмшоқ диск турлари ва форматлари хақида қисқача маълумот:

дискетталар формати	томонлар сони	секторлар сони	йўллар сони	дискетталар ҳажми
DS HD	2	15	80	1.2 М
DS QD	2	9	80	720 К
DS DD	2	9	40	360 К
SS DD	1	9	40	180 К
DS SD	2	9	20	180 К
SS SD	1	9	20	90 К
DS LD MS DOS1	2	8	40	320 К
SS DD MS DOS1	1	8	40	160 К
DS SD MS DOS1	2	8	20	160 К
SS SD MS DOS1	1	8	20	80 К

SS бир томонли

DS-икки томонли

SD-оддий зичликда

DD-икки баробарли зичликда

QD-тўрт баробарли зичликда

HD-юқори зичликда

Монитор турлари хақида маълумот:

монитор	рангли/бир хил	текстли режим	графикли режим
MDA	I	80x25,2 ранг	640x200,2 ранг
CGA	рангли	80x25,16 ранг	640x200,2 ранг 320x200,4 ранг
Hercules	I	80x25,2 ранг	720x348,2 ранг
EGA	рангли	80x25,16 ранг 80x43,16 ранг	640x350,16 ранг
VGA	рангли	80x25,16 ранг 80x50,16 ранг	640x480,16 ранг

Қуйида Нортон Коммандер менюси бандларининг кўринишлари ва уларнинг таржимаси берилган.

Left	Files	Commands	Options	Right
	Brief			қисқача
	Full			тулиқ
	Info			маълумот
	Tree			дарахт кўриниши
	quick View			тез кўриш
	link			боғланиш
	On/Off	Ctrl-F1		боғланиш бошқа компьютер билан жадвални олиш ва қўйиш
	Name			россий номи
	extension			қўшимча номи
	time			вақт
	Size			ҳажми
	Unsorted			
	Re-read			
	filter...			фильтр
	Drive...	Alt-F1		мундарижа
CHW	→SUB-DIR←	9-27-91 2:03a		CHW →SUB-DIR← 9-27-91 2:03a

E:\>

1Help2Menu3View4Edit 5Copy 6RenMov 7Mkdir 8Delete 9FullDn 10Quit

Left	Files	Commands	Options	Right
	Help		F1	ёрдам
	User menu		F2	фойдаланувчи менюси
	View		F3	кўриш
	Edit		F4	тахрир қилиш
	Copy		F5	нусха кўчириш
	Rename or move		F6	номини ўзгартириш
	Make directory		F7	янги мундарижа очиш
	Delete		F8	учириш
	file Attributes			атрибут қўйиш/олиш
	Send files			
	select Group	Group +		груҳга қўйиш
	unselect group	Group -		груҳдан чиқариш
	Quit		F10	чиқиш
CHW	→SUB-DIR←	9-27-91 2:03a		CHW →SUB-DIR← 9-27-91 2:03a

E:\>

1Help2Menu3View4Edit 5Copy 6RenMov 7Mkdir 8Delete 9FullDn 10Quit

Left	Files	Commands	Options	Right
		NCD tree		Alt-F10
		Find file		Alt-F7
		History		Alt-F8
		EGA Lines		Alt-F9
		Swap panels		Ctrl-U
		Panels on/off		Ctrl-O
		Compare directories		
		send/Receive mail		
		commander mail		
		Menu file edit		
		eXtension file edit		
				Булар § 3 да берилган
				мундарижаларни таққослаш
				меню таҳрири қўшимча номи бўйича аммаллар бажариш
CHW →SUB-DIR← 9-27-91 2:03a		CHW →SUB-DIR← 9-27-91 2:03a		

E:\>

1Help2Menu3View4Edit 5Copy 6RenMov 7Mkdir 8Delete 9PullDn 10Quit

Left	Files	Commands	Options	Right
тузилиши редактор-таҳрирловчи			Configuration... Editor...	
функционал тугмачалар тулиқ экран ёки аксинча			Auto menu	
соат			Path prompt	
танланган тизимни дискда сақлаб қолиш			Key bar	Ctrl-B
			Full screen	
			Mini status	
			clock	
			Save setup	Shift-F9
CHW →SUB-DIR← 9-27-91 2:03a		CHW →SUB-DIR← 9-27-91 2:03a		

E:\>

1Help2Menu3View4Edit 5Copy 6RenMov 7Mkdir 8Delete 9PullDn 10Quit

Қўшимча адабиётлар:

1. В.С.Новичков, Н.И.Парфилова, А.Н.Пылькин. Алгоритмические языки в техникуме. Паскаль. М, 1990.
2. Программное обеспечение персональных ЭВМ (Справочное пособие) /А.А. Сточный, С.А. Ананьевский, Я.И. Барауле и др. Киев: Наука думка. 1989. - 368 с.
3. В.Э.Фигурнов. Там рс для пользователя. М, 1990.
4. В.Э. Фигурнов. Работа пользователя с там рс комплект документации и программ. М, 1990.-160 с.
- 5.Ян Белецкий. Турбо Паскаль с графикой для персональных компьютеров , М.,1991.- 320 с.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	4
§ 1.Компьютерни ишга тайёрлаш ва ўчириш.....	7
§ 2.Компьютерда оддий амалларни бажариш.....	9
§ 3.Нортон Коммандер ҳақида қисқача маълумот.....	10
§ 4.Лексиконда ҳужжат тайёрлаш ва уни босмага чиқариш.....	12
§ 5.Лексикон ҳақида қисқача маълумот.....	15
§ 6.снiwriterда ҳужжат тайёрлаш ва босмага чиқариш.....	17
§ 7.снiwriter ҳақида қисқача маълумот.....	18
§ 8.Турбо-Паскаль алгоритмик тилида оддий ҳисоб китобларни бажариш.....	24
§ 9.Турбо-Паскаль алгоритмик тили ҳақида қисқача маълумот.....	27
Эслатма ва қўшимча маълумотлар.....	33
Қўшимча адабиётлар.....	37

Қомуслар Бош таҳририяти

Н.Т. Тўхлиев - Бош муҳаррир, иқтисод
фанлари доктори

Д.А. Шораҳмедов - Бош муҳаррир уринбосари,
фалсафа фанлари номзоди

Д.У. Раҳимбеков - масъул котиб

Асқар Ортиқов, Абдуқодир Маматқулов

І В М РС

компьютерларидан фойдаланиш
(Бошловчилар учун қўлланма)

Техника фанлари таҳририяти:

Раҳбар:	М.А.Мирбобоев
Бадий муҳаррир:	Х.Ғ.Меҳмонов
Техник муҳаррир:	Ж.Т. Бекиева
Муқова расоми:	Х.Ғ.Меҳмонов

На узбекском языке
А.Артиков, А.Маматкулов

Применение IBM PC компьютеров
(для начинающих)

Главная редакция энциклопедий, Т., 1992

Босишга рухсат этилди 20.07.92. Формати 60x84^{1/16}.
Шартли б.л. 2,3. Нашр.л. 1,5. Тиражи 10000. Заказ №
Баҳоси келишилган нарҳда.

Қомуслар Бош таҳририяти. Тошкент, ГСП. Жуковский кўчаси-52.

Заказ №125

Отпечатано на Ташкентской картографической фабрике